

Ол. есдт.

O'ZBEKISTON QISHLOQ XO'JALIGI

ISSN 2181-502X


№3. 2012

ANDIJON QISHLOQ
XO'JALIGI INSTITUTI
"AXBOROT-RESURS
MARKAZI"

*Мамлакатимиз аҳлини, жумладан аграр
соҳанинг барча ходимларини Наврўзи олам
билан табриклаймиз. Хирмонларимиз
сарбаланд, даромадимиз баракали,
турмушимиз янада фаровон бўлсин!*

**Ўзбекистон Қишлоқ ва
сув хўжалиги вазирлиги**

ASSALOM, NAVRO'ZI!



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЕРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат корхоналарини хомашё билан таъминлаш ҳамда мамлакат валюта тушумини кўпайтириш манбаи, иқтисодийнинг бошқа тармоқлари учун потенциал бозор сифатида қишлоқ хўжалигининг аҳамияти бекиёсдир. Республикамиз қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш, уни қайта ишлаш жараёнида иқтисодий самарадорликни мунтазам ошириб бориш энг долзарб вазифалардан ҳисобланиб, бу мақсадни муваффиқиятли ҳал этиш ердан самарали фойдаланиш асосида маҳсулот таннархини пасайтириш билан бевосита боғлиқдир.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишда ер муносабатларини тақомиллаштириш, ерга эгалик ва ундан самарали фойдаланишни ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Чунки, ер умуммиллий бойлик бўлиб, халқимиз ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилона ва самарали фойдаланиш объектив зарурият ҳисобланади.

Бирламчи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш деярли тўлиғича хусусий мулкдорлар бўлган фермер ва деҳқон хўжаликлари ихтиёрига ўтди. Айниқса, фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги яппи маҳсулотидаги улуши охириги йилларда тобора ортиб, 35% даражадан ошди. Дастлаб фермер хўжаликлари нисбатан кичик майдонларда ташкил қилинган бўлса, кейинги босқичларда уларнинг ер майдонлари оптималлаштирилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад, техника, сув, меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш, бошқарув харажатларини тежаш ва пировардида етиштирилган маҳсулот реализациясидан нисбатан катта фойда олиш ҳисобланади. Оптималлаштириш жараёнида фермер хўжаликларининг сони деярли уч баробарга қисқарди.

Ҳозирги кунда республикамизда 66134 та фермер хўжалиги мавжуд. Фермер хўжаликларининг 35896 таси пахта ва ғаллачиликка, 5329 таси чорвачиликка, 16964 таси боғдорчилик ва узум-

чиликка, 3647 таси сабзавотчилик ва полизчиликка ихтисослашган. Қолган қисми турли йўналишларда фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз ижтимоий ва иқтисодий тараққиётида фермер хўжаликларининг ўрни ва салоҳияти йил сайин ортиб бормоқда. Фермерлик ҳаракати ерга бўлган муносабатни тубдан ўзгартирди. Энг асосийси, тармоқда меҳнатдан манфаатдорлик ошиб бормоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимизда деҳқончилик қилинадиган майдонларда дала, тупроқ изла-нишлари олиб борилиб, ерларнинг табиий унумдорлиги, яъни балл бонитетлари аниқлаб чиқилди. Шу тариқа барча суғориладиган ерларнинг сифати ҳисобга олиниб, уларнинг қиймат баҳо-лари белгиланди. Натижада барча ер эгалари ўз ерларининг табиий унумдорлигини қандай ҳолатда эканлиги тўғрисида тўлиқ маълумотларга эга бўлдилар. Эндиликда қишлоқ хўжалиги экинларини ерларнинг хусусиятлари, тупроқ-нинг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда табақалаштириб жойлашти-риш имконияти яратилди.

Ҳозирда суғориладиган ерлар-нинг мелиоратив ҳолатини яхши-лашга қаратилган чора-тадбирлар тизимининг изчил амалга ошири-лиши, яъни экин майдонлари-нинг мелиоратив аҳволини яхши-лаш, ирригация-мелиорация объектларининг техник ҳолатини таъминлаш, ихтисослашган сув хўжалиги, қурилиш ва эксплуа-

тация ташкилотларининг мод-дий-техника базасини мустаҳкам-лаш, уларни замонавий техника билан жиҳозлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда суғорилади-ган ерларнинг унумдорлигини сақлаб қолиш ва ерлардан янада самарали фойдаланиш борасида келгусида қатор ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Жум-ладан, алмашлаб экиш тизими-ни жорий қилиш лозим. Бу тизим-га амал қилинганда нафақат туп-роқ унумдорлиги ошади, балки ерларни бегона ўтлар, касаллик ва зараркундалардан тозалаш, сув сарфини камайтириш ва шу каби бир қатор муаммоларни ҳал қилиш имконини беради.

Ўтган давр мобайнида суғори-ладиган ерлар шўрланиш даража-сининг ортиб боришига асосий сабаб, алмашлаб экиш тизимида дон дуккакли (азотафиксатор) ўсимликлар улушининг қисқари-ши, хўжаликлараро ички зовур-ларнинг ўз вақтида тозаланмаган-лиги, зах тортиш қудуқларининг яхши ишламаслиги, оптимал су-ғориш режимига риоя қилинма-ганлиги каби омилларга етарли-ча эътибор қаратилмаганлиги боис сизот сувлари сатҳининг кўтарилиши билан асосланади.

Шундан келиб чиққан ҳолда суғориладиган ерларнинг мелио-ратив ҳолатини яхшилаш бўйича амалга ошириладиган чора-тад-бирлар кўламини янада кенгай-тириш мақсадга мувофиқ.

Юқорида таъкидлаб ўтилган масалаларнинг ижобий ҳал қили-ниши республикамизда суғорила-диган ерлар тупроқ унумдорлиги-ни сақлаб қолиш, яхшилаш ва фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини беради.

Б. НОСИРОВ,
и.ф.н.,

Н. САЙФУДДИНОВА,
талаба (АндҚХИ)

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХОЎЖАЛИГИ

(«Сельское хозяйство
Узбекистана»)
Аграр-иқтисодий,
илмий-обмабон
журнал

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлиги

Бош муҳаррир:

Тоҳир
ДОЛИЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Зафар РЎЗИЕВ

Шерали НУРМАТОВ

Ҳамробой РАЗЗОҚОВ

Муҳаммадусуф ТЕШАБОЕВ

Баҳодир АБДУҚОДИРОВ

Саидқул АРАБОВ

Фарҳод ОМОНОВ

Эркин ҚУДРАТОВ

Шамсиддин ЭСОНБОЕВ

2012 йил,
№3 март

Журнал 1922 йил
октябрдан чиқа бошлаган.

ОБУНА ИНДЕКСИ:
якка обуначилар учун — 894
ташқилотлар учун — 895

МУНДАРИЖА

Т.ДОЛИЕВ. Кўнгилларда наврўз сурури	1
Ш.ТЕШАЕВ, Б.ХОЛИҚОВ, А.ШАМСИЕВ. Чигит экиш мавсумини сифатли ўтказиш	2
Р.СИДДИҚОВ, З.ПЎЛАТОВ, А.ЮЛДАШЕВ, З.БЕКЧАНОВ, А.УРАЗБАЕВ, Б.ХУДОЙҚУЛОВ, М.СУЯРОВ, Н.МИРОВ. Кузги бошоқли дон экинлари парвариши	4
Р.СИДДИҚОВ, Ҳ.ЮСУПОВ. Лалмикор майдонлардан унумли фойдаланиш	6
Р.АБДУЛЛАЕВ, А.АРИПОВ. Боғларга баҳор келди	7
М.МИРЗИЁТОВ, Д.НОРМУРАДОВ, Ш.МАХАМАДАМИНОВ, Н.ИБРАГИМОВ. Пиёзни кўчат билан ўтқазиб сифатли ҳосил етиштириш	8
Б.АЗИМОВ. Сабзавоткорнинг кўкламги юмушлари	9
А.ҲАМРАЕВ. Чорвадорларнинг баҳорги тadbирлари	10
С.НАВРЎЗОВ, Н.ҚАҲҲОРОВ. Ипак қурти уруғларини жонлантириш	12
М.ТОШБОЛТАЕВ, Ҳ.РАҲМОНОВ. Машина таъмири: сифат ва таннарх	13
Ш.ЖУМАНИЁЗОВА. Шовотнинг обод хонадони	14
У.ЖУМАЕВ. Ёзуа уруғчилиги: хизматга ҳамиша тайёрмиз	15
Б.ТОШНАЗАРОВ. Моли тўқнинг кўнгли тўқ	16
Сариосиёлик ишбилармонлар	17
У.ЖУМАЕВ, Ў.ҚАРИШИЕВ. Замин тоза бўлса, ҳосил мўл бўлади	18
А.Мусаев. Чорва насли яхшиланмоқда	20
У.ЖУМАЕВ, Ў.ҚАРИШИЕВ. Маҳсулотингиз экспортбопми?	21
Б.ТОШНАЗАРОВ. Бўстонлиқнинг қизил икриси. Ер билан сирлашиб	22
К.ЭРГАШЕВ. Фарғоналик чорвадорлар	23
П.ДЎСТМАМАТОВ, У.ЖУМАЕВ. Томчиси олтинга тенг	24
У.ЖУМАЕВ. Фойдали ҳашарот — фойдага кафолат	26
У.ЖУМАЕВ, Ў.ҚАРИШИЕВ. Ерни эъзозласак, у бизни ардоқлайди	27
Қ.МИРЗАЖОНОВ. Ер ҳайдашни модернизациялаш	28
Қ.РУСТАМОВ. Ёзани 50х70 схемада кенг қаторлаб пуштага экиш	29
М.ХОЛИҚОВА. Сифатли ва зараркунандаларга чидамли навлар яратиш	31
Н.РАЖАБОВ. «Андижон-36» ёзуа навини парваришларнинг мақбул агротadbирлари	32
О.РАҲМОНОВ, А.АГЗАМОВ. Калифорния қалқондорининг зарари	33
Х.МАҲМУДОВ, Н.РАУПОВА, С.АБДУРАХМАНОВА. Юза сув эрозиясининг лалми бўз тупроқлар кимёвий ва агрокимёвий хоссаларига таъсири	34
О.МАТЧОНОВ, Ў.ХОЛИҚНАЗАРОВ, С.ИКРОМОВ. Чигит нобудгарчилигини камайитиришда электротехнологик усуллардан фойдаланиш	35
Ж.УТЕМУРАТОВ, И.АШИРБЕКОВ. Оз миқдорда пуркаш технологиясига ўтишнинг назарий аспекти	36
М.МУСТАФАЕВ. Определение глубины потока — h _з в зоне слияния при стабилизации равномерного режима	37
У.ЭГАМБЕРДИЕВА. Жаҳон пахта бозорида мамлакатимизнинг ўрни	38
Р.БАКИЕВА. Фермер хўжаликларида бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий ва мотивлаштириш механизмларини такомиллаштириш	39
У.ТУРСУНОВ, Р.АКАЕВ, Д.ДЖАЛАЛОВА. Ишлаб чиқаришни бошқаришда харажатларнинг роли	40
Т.ФАРМОНОВ, Б.ШОДИЕВ. Яйлов экотизимини тиклаш ва ривожлантириш	41
Б.НОСИРОВ, Н.САЙФУДДИНОВА. Қишлоқ хўжалигида ердан самарали фойдаланиш омиллари	43
Ф.ШАКИРОВА. Инновацион ривожланишни таъминлаш — барқарор иқтисодий ўсиш омили	44
А.ЖАЛОЛОВ. Сув хўжалиги билимдони	45
Бирам тиниқлашиб янгради ҳаво	46
Кўкка учар биллурй куй	47

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 11 январда 0158-рақам билан рўйхатга олинган.

Манзилмиз: Тошкент, 128,
Кохота кўчаси, 75-уй.
Телефон: 240-57-10.
Факс: 240-57-17.

E-mail: qxjurnal@agro.uz

© «O'zbekiston qishloq xo'jaligi»

Босмахонага топширилди: 2012 йил 27 февраль. Босишга рухсат этилди: 2012 йил 28 февраль. Қоғоз бичими 60х84 1/8. Офсет усулида офсет қоғозига чоп этилди. Шартли босма табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табоғи 5,0. Буюртма № 10. Нусхаси 4500 дон.

«HIOL MEDIA» МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фарҳод кўчаси, 1^а-уй.

Навбатчи муҳаррир: Б.РЎЗМЕТОВ
Дизайнер: Н.БОЛТАЕВА